6.	Тиш формуласини касаллик тарихига тўлдирилади («0»- тиш мавжуд эмас, «С»- кариес, «Р»- пульпит, «Рt»- периодонтит, «П»- пломба, «К»- қоплама, «И»- сунъий тиш, «А»- пародонтит)	0	20		
	Жами:	0	100		

Амалий кўникма №3

Перкуссия ўтказиш

Мақсад: Талабаларга горизантал ва вертикал перкуссия ўтказишни ўргатиш

Кўрсатма: Бемор кўригини ўтказиш усуллари талабаларга ўргатиш

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1.	Зонд дастаги билан сабабчи тишнинг кесув ёки чайнов юзасига уриб кўрилади. Бунда босим тиш ўқи бўйлаб тарқалади (вертикал перкуссия). Оғриқнинг мавжудлиги периодонт учи соҳасида ялиғланиш мавжудлигидан дарак беради.	0	35		
2.	Зонд дастаги билан тиш тожининг ён томонидан уриб кўрилади (горизонтал перкуссия). Оғриқнинг мавжудлиги маргинал периодонт соҳасида ялиғланиш мавжудлигидан дарак беради.	0	25		
3.	Зонд дастаги билан қўшни тишлар аниқрок диагноз қўйиш учун уриб кўрилади	0	30		
Жами:		0	100		

Амалий кўникма №4

Оғиз бўшлиғи тўқималарини палпация қилиш

Мақсад: Талабаларга оғиз бўшлиғи тўқималарнинг палпациясини ўтказишни ўргатиш

Кўрсатма: Беморга ташхис қўйиш мақсадида кўрикни ўтказиш

Керакли жиҳозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Талаба тўплаган бали	Ўқитув чи имзоси
1.	Пайпаслаш методикаси зараланган ўчоқнинг жойлашишига ва ҳажмига боғлиқ. Пайпаслаш зараланмаган ўчоқ соҳасидан бошланади. Оғрик, зичлашишва бошқа ҳосилалар мавжудлиги аниқланади.	0	20		
2.	Шифокор қўлини ювади, бемор қаршисида ўнг томонга айланма стулга ўтиради, резина қўлқоп кияди	0	20		
3.	Ҳамшира стерил асбобларни шифокорга беради	0	20		
4.	Бармоқлар билан пальпация қилинади ва тўқиманинг шишганлиги, зичлашганлиги, оғрик борлиги аниқланади	0	40		
Жами:		0	100		

Амалий кўникма №5

Зондлаш ўтказиш

Мақсад: Талабаларга тиш қаттиқ тўқимасида зондлаш ўтказишни ўргатиш

Кўрсатма: Бемор куригини ўтказиш усуллари талабаларга ўргатиш

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча бос қич ларни бажар ди	Тала ба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1.	Зондлаш орқали кавак чуқурлиги, пигментланган соҳалар ва б.қ. ҳосилалар текширилади. Зондлаш ўткир учли зонд орқали бажарилади. Эмал юзаси зарарланмаган бўлса зонд юза бўйлаб текис сирпанади.	0	40		
2.	Кариоз кавак мавжуд бўлган ҳолда (кўз илғамас ҳолатда) зонд учи кавакда илиниб қолади.	0	30		
3.	Стоматологик зонд ёрдамида кариоз бўшлиқ қирраси, деворлари, туби асталик билан зондланади. Бунда кариоз бўшлиқ чуқурлиги, тиш бўшлиғи билан алоқаси мавжудлиги ва б.қ. ҳолатлар аниқланади.	0	30		
	Жами:	0	100		

Амалий кўникма №6

Электроодонтометрия ўтказиш

Мақсад: Талабаларга тиш қаттиқ тўқимасининг электроодонтодиагностикасини ўтказишни ўргатиш

Кўрсатма: Бемор кўригини ўтказиш усуллари талабаларга ўргатиш

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, ЭОДни аниқлаш аппарати

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Тала ба тўпла ган бали	Ўқи тув чи имзо си
1.	ОД-2М аппаратини электр тармоғига уланади.	0	10		
2.	10x10 смли кўрғошин пластинкали пассив электрод бемор кўлига қўйилади ва бинт билан боғланади(мусбат кутб). 1 смдан кам бўлмаган бир неча қават фланелдан иборат нам қистиргич қўл териси ва электрод орасига қўйилади	0	20		
3.	Текшириладиган тиш қурилади.	0	10		
4.	Оғиз бўшлиғига пахта валик, клеммага уланган актив электрод охири(манфий кутб) қўйилади. Электрод юпка пахта билан ўралади ва ҳўллаб тишнинг сезгир нуқтасига қўйилади (кесувчи тишларнинг кесув қирғоғи ўртасига, премолярларнинг лунж дўмбоғи учига, молярларнинг олдинги лунж дўмбоғи учига) ва электр токи берилади	0	20		
5.	Электротокга тиш реакциясини аниқлаш учун фақатгина бўсаға таъсирланиш билан чегараланиш тавсия этилмайди. Ижобий натижа олинган , ток кучи кўтарилади ва тиш сезувчанлиги яна қайтадан аниқланади.	0	20		
6.	Ток кучи пасайтирилиб, тишнинг бўсаға сезувчанлиги аниқланади	0	20		
	Жами:	0	100		

Амалий кўникма №7

Термодиагностика ўтказиш

Мақсад: Талабаларга термодиагностика ўтказишни ўргатиш

Кўрсатма: Бемор кўригини ўтказиш усуллари талабаларга ўргатиш

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, совуқ сув, иссиқ сув, совуқ ҳаво юборувчи пистолет, шприц, пахта тампон

Бажариладиган боскичлар кадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (боскичлари)	Боскич ни бажара олмади	Барча боскич ларни бажарди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1.	Таъсирловчи сифатида эфир, совуқ ва иссиқ сув, эфир олинади. Шприцга навбат билан иссиқ ва совуқ сув олинади, кариоз бўшлиққа ёки тишнинг ўзига пуркалади (пастки жағдан бошланади)	0	25		
2.	Бемор оғиздаги қайси тиш таъсиротга сезувчанлигини аниқлаш мақсадида, кариоз бўшлиққа ёки тишнинг юзасига иссиқ ёки совуқ сув билан намланган тампон қўйилади.	0	25		
3.	Замонавий стоматологик ускуналарда ҳаво оқимини “ ҳаво пуфлагич” орқали кариоз кавакка ёки тишнинг ўзига пуркаш орқали ҳам текширилади (пастки жағ тишларидан бошлаган ҳолда)	0	25		
4.	Адекват жавоб пульпа ялиғланмаганлигидан, ноадекват жавоб - иссиқ ва совуқ сувга таъсир сезувчанлик ялиғланишдан (пульпит), пульпа некрозланганда тиш температур таъсиротларга жавоб бермайди	0	25		
	Жами:	0	100		

Амалий кўникма №8

Метилен кўкининг 2% ли сувли эритмаси билан бўяш усули

Мақсад: Талабаларга кариес доғини 2% ли метилен кўки эритмаси билан бўяшни ўргатиш

Кўрсатма: Талабаларга доғ босқичидаги кариес қиёсий ташхислашни ўргаташ

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, 2% ли метилен кўки эритмаси, пахта тампон

Бажариладиган босқичлар кадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1.	Юмшоқ тиш карашлари шётка ёрдамида тозаланади	0	20		
2.	Пинцет ёрдамида кичик пахта тампон олинади	0	20		
3.	Метилен кўкининг 2 %ли сувли эритмаси билан тампонни ҳўлланади	0	20		
4.	Тишнинг доғ жойлари бўялади	0	20		
5.	Доғ диаметри циркул ёрдамида даволашдан олдин ва кейин ўлчанади (даволаш динамикасини аниқлаш учун)	0	20		
Жами:		0	100		

Амалий кўникма №9

Коффердам қўйиш

Мақсад: Талабаларга коффердамдан фойдаланишни ўргатиш

Кўрсатма: Тишни сўлакдан тўлиқ ажратиш учун

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, коффердам тўплами (резина рўмолча) парда , тешувчи асбоблар-пробойник, омбур, ромча, кламплар)

Бажариладиган босқичлар кадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқичн и бажара олмади	Барча босқич ларни бажар ди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1.	Клампи танлаш	0	20		
2.	Резина рўмолчада тешгич(дўракол) ёрдамида тешиқ ҳосил қилинади	0	20		
3.	Резина рўмолча тишга киргизилади	0	20		
4.	Омбур ёрдамида кламп тишга кийгизилади (ёйи дистал томонга қараб туриши керак)	0	20		
5.	Резина рўмолча махсус рамкага маҳкамланади	0	20		
Жами:		0	100		

Амалий кўникма №10

Доғ босқичидаги кариесни даволашда реминерализация терапиясини ўтказиш

Мақсад: Талабаларга реминерализацияловчи даволаш ўтказиш услубиятини ўргатиш

Кўрсатма: Доғ босқичидаги кариесни, гиперэстезияни даволаш учун

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, Рем даволаш ўтказиш учун дори – дармонлар (3% ли ремодент эритмаси, 2% ли натрий фторит эритмаси, фторли лак, 10%ли кальций глюканат эритмаси, гель)

Бажариладиган босқичлар кадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқични бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Талаба тўплаган бали	Ўқитувчи имзоси
1.	Тиш юзаси карашлардан чўтка ёрдамида тозаланади	0	25		
2.	1% ли водород пероксид эритмаси билан ишлов берилади, ҳаво оқими билан қурилади	0	25		
3.	Эмалнинг ўзгарган соҳасига реминерализацияловчи эритма шимдирилган пахта 15-20 минут давомида қўйиб турилади(тампон ҳар 4-5 минутда алмаштирилади)	0	25		
4.	Ҳар учинчи аппликациядан сўнг тиш юзаси қурилади ва 2-4%ли натрий фторид (NaF) эритмасига шимдирилган пахта тампон 2-3 минутга қўйилади	0	25		
	Жами:	0	100		

Амалий кўникма №11

Доғ босқичидаги кариесни фторли лак ёрдамида даволаш

Мақсад: Талабаларга доғ босқичидаги кариесни даволашни ўргатиш

Кўрсатма: Кариесни унинг асоратларини олдини олиш учун даволаш

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, майда асбоблар, фторли лак

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқични бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1.	Асбобларни, тутқични, карборунд бошчани олинад	0	20		
2.	Карборунд бошчани тутқичга ўрнатилади	0	20		
3.	Енгил, вергулсимон ҳаракат билан доғ чархланади	0	30		
4.	Силлиқланган юзани фторлак билан қопланади	0	30		
	Жами:	0	100		

Амалий кўникма №12

Юза кариесни кариоз кавакни чархлаш билан даволаш

Мақсад: Талабаларга юза кариесни кариоз бўшлиқни чархлаш усули билан даволашни ўргатиш

Кўрсатма: Кариесни, унинг асоратларини олдини олиш учун даволаш

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетик, шприц, доимий пломба ашёси, шунингдек ажратувчи таглик ашёси

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажар ди	Тала ба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1.	Кариоз ковак эмал қавати доирасида чархланади	0	20		
2.	Кариоз ковакка медикаментоз ишлов берилади	0	20		
3.	Доимий пломба қўйилади	0	20		
4.	Прикус қора қогоз (копировка) ёрдамида аниқланади	0	20		
5.	Пломбага якуний ишлов берилади	0	20		
	Жами:	0	100		

Амалий кўникма № 13

Ўрта кариесни даволаш

Мақсад: Талабаларга ўрта кариесни даволашни ўргатиш

Кўрсатма: Кариесни, унинг асоратларини олдини олиш учун даволаш

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетиклар, шприц, доимий пломба ашёси, шунингдек ажратувчи таглик ашёси

Бажариладиган босқичлар кадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқични бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1.	Кариоз бўшлиғини эмаль дентин чегараси доирасида чархлаш	0	20		
2.	Кариоз ковагига медикаментоз ишлов бериш	0	15		
3.	Ушбу ҳолат учун тўғри пломба ашёсини – доимий ва ажратувчи тагликни танлаш	0	15		
4.	Ажратувчи тагликни қўйиш, қотгунча кутиш ва доимий пломба қўйиш	0	30		
5.	Пломбага якуний ишлов бериш	0	20		
	Жами:	0	100		

Амалий кўникма №14

Ўткир чуқур кариесни икки қатновда даволаш

Мақсад: Талабаларга чуқур кариес (ўткир шакли)ни иккинчи қатновда даволашни ўргатиш.

Кўрсатма: Чуқур кариоз бўшлиқ, юмшоқлашган дентин бор бўлганда, ҳарорат таъсирида қисқа муддатли оғриқлар бўлганда

Керакли жиҳозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетиклар, шприц, доимий пломба ашёси, шунингдек ажратувчи таглик ашёси

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
	1 қатнов				
1.	Кариоз ковак чархланади. Ковак тубида оз миқдорда пигментланган дентинни қолдириш мумкин	0	10		
2.	Медикаментоз ишлов берилади, пулпани куйдирмайдиган кучсиз антисептик эритмалар (1% водород пероксид эритмаси) ишлатилади	0	5		
3.	Кариоз ковак илиқ ҳаво ёки пахта тампон билан қуририлади	0	5		
4.	Даволовчи таглик қуйилади	0	10		
5.	1-2 ҳафтага вақтинчалик пломба қўйилади	0	10		
	2 қатнов				
1.	Вақтинчалик пломба олиб ташланади, ковакка медикаментоз ишлов берилади	0	5		
2.	Сувли дентин қавати ва ажратувчи таглик қўйилади	0	20		
3.	Ушбу ҳолат учун тўғри пломба ашёсини танлаш (тиш турига караб) ва доимий пломба қўйиш	0	25		
4.	Пломбага якуний ишлов бериш	0	10		
	Жами:	0	100		

Амалий кўникма №15

Сурункали чуқур кариесни бир қатновда даволаш

Мақсад: Талабаларга чуқур кариес (сурункали шакли) ни биринчи қатновда даволашни ўргатиш

Кўрсатма: Чуқур кариеснинг сурункали шакли

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетиклар, шприц, доимий пломба ашёси, шунингдек ажратувчи таглик ашёси

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1.	Кариоз ковак чархланади	0	15		
2.	Бўшлиқ тубида оз миқдорда пигментланган дентин соҳасини қолдириш мумкин	0	5		
3.	Медикаментоз ишлов бери лади, пулпани куйдирмайдиган кучсиз антисептик эритмалар (1% водород пероксид эритмаси, фурациллин, илик куруқ ҳаво) ишлатилади	0	15		
4.	Даволовчи таглик қўйилади (қотувчи)	0	15		
5.	Ажратувчи таглик эмал-дентин чегарасигача қўйилади. Ажратувчи тагликни қотгунча кутиш	0	15		
6.	Ушбу ҳолат учун тўғри пломба ашёсини танлаш (тиш турига қараб) ва доимий пломба қўйиш	0	25		
7.	Пломбага якуний ишлов бериш	0	10		
	Жами:	0	100		

Амалий кўникма № 16

Боғлам ораси анестезиясини ўтказиш техникаси

Мақсад: Талабаларни боғлам ораси анестезиясини ўтказиш техникасига ўргатиш

Кўрсатма:пульпитнинг барча шакллари.

Керакли жиҳозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, майда асбоблар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетик карпуласи, шприц, игна

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча бос қич ларни бажар ди	Тала ба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1	Жуда ингичка инъекцион игна (0,3-0,6 мм) қўлланилади	0	25		
2	Анестетик танлаш (артикаин, убистезин, септанест ва б.к.)	0	25		
3	Игна тиш бўйинини ўраб турувчи айланма боғлам орасига тиш илдиз цементига таяниб тиқилади ва 0,2-0,3 мл анестетик юборилади	0	30		
4	Анестетик юборилаётган вақтда тўқиманинг суюқликка қаршилиги муолажа тўғри бажарилаётгандан дарак беради	0	20		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма №17

Биологик усулни ўтказиш техникаси

Мақсад: Талабаларни биологик усулни ўтказиш техникасига ўргатиш

Кўрсатма:ўткир ўчоқли пульпит, тасодифан пульпа шохини очиш.

Керакли жиҳозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетиклар, шприц, доимий пломба ашёси, шунингдек ажратувчи таглик ашёси

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқи чни бажа ра олма ди	Барча босқич ларни бажар ди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1	Оғриқсизлантириш остида чархлаш барча босқичлари (очиш, кенгайтириш, некроэктомия, шакллантириш) ўтказилади.	0	28		
2	Чархланган кариоз кавакни дис. сув ёки физиологик эритма билан ювилиб, қурилади	0	22		
3	Кариоз кавак тубига даволовчи тагликни 1-2 суткага сувли дентин ёрдамида	0	28		
4	Сувли дентин олиниб, ажратувчи таглик ва доимий пломба қўйилади.	0	22		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма №18

Витал ампутация ўтказиш техникаси

Мақсад: Талабаларни витал ампутация ўтказиш техникасига ўргатиш

Кўрсатма:Сут тишларнинг шаклланмаган илдизлари.

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетиклар, шприц, доимий пломба ашёси, шунингдек ажратувчи таглик ашёси

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Бос қични бажа ра олма ди	Барча босқич ларни бажар ди	Тала ба тўп ла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1	Оғриқсизлантириш остида чархлаш босқичлари ўтказилади, пульпанинг тож қисми олиб ташланади.	0	40		
2	Чархланган кариоз кавакка медикаментоз ишлов берилади.	0	10		
4	Канал оғзи соҳасига даволовчи тагликни ва ажратувчи таглик колдирилади.	0	30		
5	Доимий пломба қўйилади	0	20		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма № 19

Витал экстерпация усулини ўтказиш техникаси

Мақсад: талабаларни витал экстирпация усулини ўтказиш техникасига ўргатиш

Кўрсатма: Ўткир диффуз пульпит, пульпитнинг сурункали шакллари.

Керакли жиҳозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, эндодонтик асбоблар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетиклар, шприц, гемостатиклар, игна, доимий пломба ашёси, шунингдек ажратувчи таглик ашёси.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқични бажара олмади	Барча босқичларни бажарди	Талаба таълим олган бали	Ўқитувчи имзо си
1	Анестезия остида чархлашнинг барча босқичларини бажариш (очиш, кенгайтириш, некроэктомия, шакллантириш), антисептик ишлов бериш.	0	25		
2	Тиш бўшлиғини очиш. Тож пульпасини бор ёки экскаватор ёрдамида олиб ташланади. Канал оғзи кенгайтирилади	0	25		
4	Пульпоэкстракторни каналга тақалгунча киритиш ва соат стрелкаси бўйича 1-2 марта айлантириш ва пульпани олиб ташлаш.	0	10		
5	Каналларга медикаментоз ва инструментал ишлов берилгандан, қуритилгандан сўнг рентген маълумотларига асосан канални пломбалаш (паста, фосфат-цемент билан), ажратувчи ва доимий пломба қўйиш.	0	40		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма № 20

Девитал ампутация усулини ўтказиш техникаси (биринчи қатнов)

Мақсад: Талабаларни девитал ампутация усулини ўтказиш техникасига ўргатиш

Кўрсатма: қийин ўтувчи (қийшиқ) каналлар

Керакли жиҳозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетиклар, шприц, гемостатиклар, игна, девиталловчи малҳамлар, Платонов эритмаси, резорцин формалин эритмаси, пломба ашёси (доимий, вақтинчалик, ажратувчи).

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажар ди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1	1 қатнов. Оғриқсизлантириш остида чархлаш босқичлари ўтказилади. Чархланган кариоз кавакда тож пульпаси очилиб, маргумуш малҳами оғриқсизлантирувчи пахта тампон остига 24 ёки 48 соатга қолдирилади. Кавак сувли дентин билан ёпилади	0	20		
2	2 қатнов Вақтинчалик пломба олиб ташланади, тиш бўшлиғи кенгайтирилади, тож пульпасини ампутацияси ўтказилади	0	20		
3	Илдиз каналлар оғзига рез-формалинга намланган тампон 1-2 суткага қўйилади. Сувли дентин ёрдамида вақтинчалик пломба қолдирилади.	0	10		
4	3 қатнов Сувли дентин олиниб, илдиз каналлари учига резорцин-формалин пастаси ва ажратувчи таглик қўйилади	0	10		
5	Доимий пломба қўйилади	0	40		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма №21

Девитал экстерпация усулини ўтказиш техникаси

Мақсад: Талабаларни девитал экстирпация усулини ўтказиш техникасига ўргатиш

Кўрсатма: кўп илдизли тишлар, қийин ўтувчи каналлар.

Керакли жихозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, эндодонтик асбоблар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетиклар, шприц, гемостатиклар, игна, девиталловчи малҳамлар, Платонов эритмаси, резорцин формалин эритмаси, пломба ашёси (доимий, вақтинчалик, ажратувчи, илдиз каналлари учун).

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажар ди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
	1 қатнов				
1	Анестетиклар ёрдамида оғриқсизлантириш ((новакаин, лидокаин, артикаин, убистезин, септонест ва б.қ.) ўтказилади.	0	10		
2	Кариоз кавак чархлаш босқичлари ўтказилади, пульпа шохи очилади	0	10		
3	Чархланган кариоз кавакда тож пульпаси очилиб, маргумуш пастаси 24 ёки 48 соатга сувли дентин остига қолдирилади.	0	20		
	2 қатнов				
4	Вақтинчалик пломба олиб ташланади, Кариоз кавакка якуний ишлов бериш босқичлари ўтказилади	0	10		
5	Тож пульпасини ампутацияси, экстирпацияси ўтказилади. Илдиз каналларига механик ва медикаментоз ишлов берилади	0	20		
7	Рентген контрол остида каналлар илдиз пломбалари билан пломбланади.	0	10		
8	Ажратувчи таглик ва доимий пломба қўйилади	0	20		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма № 22

Кўп илдизли тишларда комбинирланган усулни қўллаш техникаси

Мақсад: Талабаларни кўп илдизли тишларда комбинирланган усулни қўллаш техникасига ургатиш

Кўрсатма: кўп илдизли тишларда сурункали пульпитларнинг ҳамма турлари.

Керакли жиҳозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, эндодонтик асбоблар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетиклар, шприц, гемостатиклар, игна, девиталловчи малҳамлар, Платонов эритмаси, резорцин формалин эритмаси, пломба ашёси (доимий, вақтинчалик, ажратувчи, илдиз каналлари учун).

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажар ди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1	Анестетиклар ёрдамида оғриқсизлантириш (новакаин, лидокаин, артикаин, убистезин, септонест ва б.қ.) ўтказилади. Тож ва илдиз пульпаси олингандан сўнг каналга механик ва медикаментоз ишлов берилади	0	20		
2	Рентген контрол остида яхши утувчи канал илдиз учигача пломбаланади.	0	20		
3	Ёмон утувчи каналга оғзи соҳасига резорцин формалин эритмаси шимдирилган тампон қолдирилади. Сувли дентиндан вақтинчалик пломба 2-3 кунга қолдирилади.	0	20		
4	Вақтинчалик пломба, пахта тампон олиб ташланади. Илдиз канал оғзи соҳасида резорцин формалин малҳами қолдирилади. Сувли дентиндан вақтинчалик пломба 2-3 кунга қолдирилади.	0	20		
5	Вақтинчалик пломба олиб ташланади, кариоз кавакка медикаментоз ишлов берилади. Кариоз кавакда ажратувчи таглик ва доимий пломба қолдирилади.	0	20		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма №23

Илдиз каналлари узунлигини ўлчаш техникаси

Мақсад: Талабаларни илдиз каналлари узунлигини ўлчаш техникасига ўргатиш

Кўрсатма: эндодонтик даволаш усулари.

Керакли жиҳозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, эндодонтик асбоблар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетиклар, шприц, гемостатиклар, игна.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқични бажара олмади	Барча босқичларни бажарди	Талаба тўплаган бали	Ўқитувчи имзоси
1	Илдиз каналларини ўлчаш учун асбобларни танлаш (глубиномер, файл, римерлар)	0	20		
2	Илдиз каналлар кириш қисмини кенгайтириш	0	20		
3	Илдиз каналнинг кириш қисмигача асбоб киритилади.	0	20		
4	Эндодонтик асбоб каналда мум ёрдамида маҳкамланади	0	20		
5	Рентген суратда текшириб кўрилади	0	20		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма № 24

Илдиз каналини “CROWN DOWN” усулида механик кенгайтириш техникаси

Мақсад: Талабаларни илдиз каналини «Crown Down» усулида механик кенгайтириш техникасига ўргатиш

Кўрсатма: эндодонтик даволаш усулари.

Керакли жиҳозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, дастаклар, борлар, эндодонтик асбоблар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, анестетиклар, шприц, гемостатиклар, игна.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқични бажара олмади	Барча босқичларни бажарди	Талаба тўплаган бали	Ўқитувчи имзоси
1	Илдиз каналларини кенгайтириш учун асбобларни танлаш (дрилбор, файл, ример, флексофайллар)	0	36		
2	Илдиз каналлар кириш қисмини кенгайтириш	0	36		
3	Илдиз каналини ташқаридан ичкарига томон қадамма-қадам кенгайтирилади (асбобларнинг ўлчами: 100,80,60,40, 30,20,15,10,8)	0	28		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма № 25

Илдиз каналлини кимёвий усулда кенгайтириш техникаси

Мақсад: Талабаларни илдиз каналлини кимёвий усулда кенгайтириш техникасига ўргатиш

Кўрсатма: эндодонтик даволаш усулари.

Керакли жиҳозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, эндодонтик асбоблар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, ЭДТА.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқични бажара олмади	Барча босқич ларни бажар ди	Тала ба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1	Илдиз каналларини кимёвий кенгайтирадиган ашёларни танлаш(ЭДТА,20% тримол Б, Canal+, Largal ultra)	0	10		
2	Кенгайтирувчи ашёлар билан намланган пахта тампонини каналнинг ўтмас қисмигача киритилади ва ашё турига кўра 2-3 дақиқа ушланади.	0	30		
3	Пахта тампонни олиб ташлаб, илдиз канали дрилборлар ёрдамида файл вмеханик кенгайтирилади	0	30		
4	Канал сув билан яхшилаб ювилади	0	15		
5	Канални кенглиги текшириб кўрилади	0	15		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма № 26
Ўтмас илдиз каналларини мумификация қилиш техникаси

Мақсад: Талабаларни ўтмас илдиз каналларини мумификация қилиш техникасига ўргатиш

Кўрсатма: ўтмас илдиз каналлари

Керакли жиҳозлар: Стоматологик хона, стоматологик ускуна, стоматологик асбоблар, боғлов ашёлари, эндодонтик асбоблар, медикаментоз ишлов бериш учун дорилар, мумловчи эритма ва малҳамлар.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқични бажара олмади	Барча босқич ларни бажар ди	Тала ба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1	Илдиз каналини ўтувчи қисмгача файл ва дрилборлар ёрдамида кенгайтирилади	0	20		
2	Каналга антисептик ишлов берилади, пахта турундалар ёрдамида қурилади	0	20		
3	Каналнинг ўтмас қисми устига мумловчи суюқликка намланган пахта турунда қолдирилиб, 2-3 кунга сунъий дентин билан беркитилади (резорцин-формалин, кумуш нитрати ёки № 3 йод эритмаси билан электрофорез ўтказилади)	0	20		
4	Вақтинчалик пломба ва пахта тампон олиб ташланади. Мумланган канал устига резорцин-формалин пастаси қўйилади. Сувли дентиндан вақтинчалик пломба 2-3 кунга қолдирилади.	0	20		
5	Вақтинчалик пломба олиб ташланади, кариоз кавакка медикаментоз ишлов берилади. Кариоз кавакда ажратувчи таглик ва доимий пломба қолдирилади.	0	20		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма № 27

“Вазопарез” симптомини аниқлаш

Мақсад: Талабаларни “вазопарез” симптомини аниқлашни ўргатиш.

Кўрсатма: Перидонтитларни солиштирма таҳхислаш

Керакли жиҳозлар: Стоматологик қурилма, беморни кўриш учун асбоблар, стоматологик кўзгу, пинцет, зонд.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқичлар ни бажарди	Талаба тўплаган бали	Ўқитувчи имзоси
1	Стоматологик ойна ёрдамида лунжни суриш	0	25		
2	Пайпаслаш йўли билан касал тишни илдиз сохасини аниқлаш	0	25		
3	Касал тиш илдизи милк сохасини, асбобни тўмтоқ томони билан босиш (чуқурча хосил бўлади)	0	25		
4	Асбобни олиб чуқурчани қайта тикланиш даражасини аниқлаш	0	25		
	ЖАМИ	0	100		

Амалий кўникма № 28

Периодонтитли тишларда пульпа чириндисини антисептиклар остида босқичма – босқич олиб ташлаш

Мақсад: Талабаларга илдиз каналинига механик ва медикаментоз ишлов беришни ўргатиш

Кўрсатма: Периодонтитларнинг сурункали турларини даволаш

Керакли жихозлар: Стоматологик бормашина, борлар, эндодонтик асбоблар, фантом.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Бос қич ни бажа ра олма ди	Барча бос қич ларни бажар ди	Тала ба тўп ла ган бали	Ўқи тув чи имзо си
1	Кариоз бўшлиқни чархлашнинг хамма босқичларини ўтказиш (очиш, кенгайтириш, некроэктамия қилиш, шакиллантириш); Кариоз бўшлиққа антисептик ишлов бериш.	0	10		
2	Пульпа усти гумбази қолдиқларини олиб ташлаш, тиш бўшлиғини очиш (борлар ёрдамида)	0	10		
3	Антисептик остида (3% пероксид водород, димексид, 1% ли хлоргексидин, трипсин эритмаси) гексахлоран, элюдрил) тиш бўшлиғидан экскаватор ёрдамида путрид массани олиб ташлаш.	0	10		
4	Канал оғзини кенгайтириш (шарсимон, конуссимон, эндодонтик борлар, гейтис, ример ёрдамида)	0	10		
5	Буюм ойначасининг ғадир будир тарафига 2 томчи антисептиклар (H_2O_2 , гипохлорид Na) томизиш.	0	5		
6	Илдиз каналдан эндодонтик асбоблар ёрдамида (пульпоэкстрактор, Н- файл...) босқичма-босқич путрит массани олиб ташлаш. Шу мақсадда пульпаэкстракторни каналга кучсиз антисептик билан аввал оғзи қисмига каналга киргизиб чиқарилади	0	15		
7	Эндодонтик асбобни путрид масса (инфицирланган масса) дан махсус чуқурчаларга томизилган ёки буюм ойнасининг ғадир будур томонида антисептиклар билан зарарсизлантирилади	0	10		
8	Канални 2/3 қисмига пульпаэкстрактор киритилади ва путрид масса олинади, антисептик ҳаммомча остида зарарсизлантирилади.	0	15		
9	Охирида каналнинг учки қисмигача киргизилади (арех – гача) пульпаэкстрактор киритилади ва путрид масса олинади, антисептик ҳаммомча остида зарарсизлантирилади.	0	15		
	Жами	0	100		

Амалий кўникма № 29

Канални стандарт усулда кенгайтириш техникаси

Мақсад: Талабаларга канални стандарт усулда кенгайтириш техникасини ўргатиш .

Кўрсатма: Перидонтитларни даволашда экссудатга йўл очиш.

Жихозлар: Стоматологик курилма, беморни кўриш учун асбоблар, стоматологик кўзгу, пинцет, зонд, эндодонтик асбоблар.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқичлар ни бажарди	Талаба тўплаган бали	Ўқитувчи имзоси
1	Каналга илдиз игнаси ёки файл киргизиб, верификатор ўрнатилиб, рентгенограмма қилинади	0	10		
2	Rn- тасвирда канал ўтувчанлиги ва ишчи қисми узунлиги аниқланади	0	20		
3	Илдиз каналини ишчи узунликкача кенгайтирилади. Кичик хажмдаги К- файл (ёки бурав) илдиз каналига тақалгунча киритилади ва ўз ўқи атрофида 45-90 ⁰ га айлантирилади (чуқурга тушиш ҳиссиёти)	0	30		
4	Илдиз бурави ёки файлни ўз ўқи атрофида 45-90 ⁰ га айлантирилиб(хажм ортиб бориш йўналишида №15, №20, №25, №30, №35) канал кенгайтирилади (бўшлиққа тушиш хисси)	0	40		
	ЖАМИ	0	100		

Амалий кўникма № 30

Хар ҳил босқичдаги ўткир чўққили периодонтитларда биринчи ёрдам кўрсатиш

Мақсад: Тлабаларга ўткир периодонтитларда босқичига қараб, биринчи ёрдам кўрсатишни ўргатиш

Кўрсатма: Ўткир ва қайталанган сурункали периодонтитларни даволаш

Жиҳозлар: Стоматологик бормашина, борлар, эндодонтик асбоблар, фантом, анестетиклар, шприц, антисептиклар.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Талаба тўплаган бали	Ўқитув чи имзоси
1	Кўрсатмага биноан оғриксизлантирилади (инфилтрацион, ўтказувчи) Кариоз бўшлиқни очиш (интакт тишда трепанация, пломба мавжуд тишда пломбани борлар ёрдамида олиб ташланади. Кавак кенгайтирилади, некроэктомия, шакллантириш ўтказилади	0	15		
2	Пульпа усти гумбази қолдиқларини олиб ташлаш ва тиш бўшлиғини очиш	0	5		
3	Тож пульпаси чириндиларни антисептиклар (антибиотиклар эритмаси, ферментлар эритмаси, водород пероксид, элюдрил, хлоргексидин, гипохлорид Na) остида экскаватор билан босқичма босқич олиб ташлаш	0	5		
4	Илдиз канали оғзиларини (риммер ва борлар ёрдамида) очиш (эндодонтик асбоб эгилмасдан каналга кириши лозим)	0	10		
5	Буюм ойначасининг ғадир будир тарафига 2 томчи антисептиклар (H_2O_2 , гипохлорид Na) томизиш.		5		
6	Илдиз каналларига антисептиклар остида пульпа экстрактор (Н-,К- файллар) ёрдамида аввал кириш	0	10		

	қисмидан путрит массани олиб ташлаш				
7	Пульпаэкстракторни путрид массасидан ҳоли қилиш	0	5		
8	Канални 2/3 қисмига пульпаэкстрактор киритилади ва путрид масса олинади, антисептик ҳаммомча остида зарарсизлантирилади.	0	10		
9	Охирида каналнинг учки қисмигача (арех – гача) пульпаэкстрактор киритилади ва путрид масса олинади, антисептик ҳаммомча остида зарарсизлантирилади.	0	10		
10	Илдиз каналлаарига антисептик шимдирилган турундалар ёрдамида мендикаментоз ва механик ишлов бериш	0	10		
11	Экссудация босқичида апикал тешикни кенгайтириш (эндодонтик асбоблар ёрдамида)		5		
12	Интоксикация босқичида каналда антибиотикли ёки антидотли дори намланган турунда қолдириб, вақтинчалик боғлам қўйиш.	0	10		
	ЖАМИ	0	100		

Амалий кўникма № 31

Периодонтитли тишларни даволашда дори воситалари “Йокс”, калий йодид билан электрофорез ўтказиш техникаси

Мақсад: Тлабаларни дори воситалари билан электрофорез усулини ўргатиш

Кўрсатма: Периодонтитларнинг барча турини даволашда

Жихозлар: Электрофорез ўтказиш учун “ Поток” аппарати, фантомлар, стоматолгик асбоблар, дистилланган сув, “Йокс” препарати.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлари)	Босқични бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Талаба тўплаган бали	Ўқитув чи имзоси
1	Тиш сўлакдан пахта болишчалар билан ажратилади	0	10		
2	Кариоз кавакка медикаментоз ишлов берилади (3% перикис водород ва б.қ.)		10		
3	Кариоз кавак дистилланган сув билан ювилади ва қуритилади		10		
4	Тиш илдиз каналлари Миллер игнасига ўралган пахта турундалари ёрдамида дистилланган сув ёрдамида ювилади ва қуритилади	0	10		
5	Дори модда (“Йокс”, фермент, калий йодид,) шимдирилган пахта турундаси Миллер игнаси ёрдамида электродга уланган ҳолда каналга киритилади	0	20		
6	Канал мум билан беркитилади		10		
7	Бемор кўлига пассив электрод намланган дока билан тутқазилади ва бемор илк бўсағасини сезгунча уланади. Даволаш 5-10 дақиқа давом этади	0	10		
	ЖАМИ	0	100		

Амалий куникма №32

Милк усти ва ости тиш тошларини механик усул ёрдамида тозалаш

Мақсад: механик усули бўйича милк усти ва ости тиш тошларини тозалаш.

Кўрсатма: пародонт касаллиги.

Керакли жиҳозлар: Ҳимоя кўзойнаги, резинали перчатка, марли ниқоби, антисептиклар, тиш тоши олуи асбоблар (экскаватор, илгаклар, зонд).

Бажариладиган боскичлар кадамлар:

№	Мануал кўникма кадамлари (боскичлар)	Боскич ни бажара олмади	Барча боскич ларни бажар ди	Тала ба тўпла ган бали	Ўқи тувчи имзо си
1.	Ҳимоя кўз ойнакни тақиш, докали ниқоб ва резина кўл кўлқоп кийиш.	0	10		
2.	Операцион майдонига 3% H ₂ O ₂ ёки 3% люголь эритмаси ёрдамида антисептик ишлов бериш	0	20		
3.	Инструментли кўлни-қўшни тишларида ёки беморнинг даҳанида туриши керак. Кўл ва асбобларни таянч нуқтага куйиш (агар тиш қимирласа уни чап кўл бармоқлари билан ушлаб турилади)		10		
4.	Ҳаракатлар оҳиста қаттиқ тошлар соҳасида тиргаксимон бўлиши керак. 3-4 та тишлар соҳасидаги милк ости тиш тошларини гладилка ёки экскаватор, илгаклар ёрдамида тишнинг вестибуляр соҳасидан тозалаш. Тишлар соҳасига медикаментоз ишлов бериш.	0	20		
5.	Тишлараро ораликдан ват ил юзасидан тиш тошларини гладилка ёки ярим ҳалқасимон илгаклар ёрдамида олиб ташлаш. Тишлар соҳасига медикаментоз ишлов бериш.	0	30		
6.	Стоматологик зонд ёрдамида тиш юзасидаги ғадир-будирлиги аниқланади, агар бўлмаса, демак тошлар йўқ ҳисобланади	0	10		
	Жами	0	100		

Амалий куникма №33

Юмшоқ тиш карашили тозалаш

Мақсад: талабаларга юмшоқ тиш карашили гигиеник паста, дастакка табиий тутамли тозалагич ёрдамида юмшоқ тиш карашларини олиб ташлашни ўргатиш.

Кўрсатма: пародонт касаллиги.

Керакли жиҳозлар: антисептиклар (1% хлоргексидин, Люголь эритмаси), дастак табиий тутамли тозалагич, люголь эритмаси, резинали полир, фторлак, гигиеник паста.

Бажариладиган босқичлар қадамлар:

№	Мануал кўникма қадамлари (босқичлар)	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди	Талаба тўпла ган бали	Ўқитув чи имзоси
1.	Оғиз бўшлиги 1% хлоргексидин эритмаси билан чайиш	0	10		
2.	10000 айл/мин тезлигидаги дастакка табиий тутамли чўтка тозалагич ёки синтетик чўтка тозалагич ўрнатилади. Гигиеник паста қўйилади.	0	20		
3.	Тишнинг вестибуляр, сўнг орал юзаларидан айланма сканирланган ҳаракат орқали юмшоқ тиш карашлари олиб ташланади	0	20		
4.	Карашларнинг тозаланганлик сифатини люголь эритмаси ёрдамида аниклаш	0	10		
5.	Зарурат пайдо бўлганда такроран тиш чётка ва паста ёрдамида тозалаш	0	10		
6.	Тиш юзасини резина полирлар ёрдамида тозалаш	0	20		
7.	Тишларнинг пахта болишчалар билан ажратиш, қуритиш ва фторли лак билан қоплаш	0	10		
	Жами:	0	100		

Амалий куникма № 34

